

ЯНГИ АНДИЖОНДА ЙЎЛ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ АВЖИДА...



Хабарингиз бор, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Андижон вилояти аҳолисининг уй-жойга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, Андижон туманидаги адирликларда янги шаҳар қуриш ташаббуси илгари сурилиб, тегишли ташкилотлар қатори йўлсозлик соҳасига ҳам йўл ислоҳоти масаласида кўрсатмалар берилган эди.

"Янги Андижон" шаҳрига олиб борувчи умумий узунлиги 10,7 километр бўлган 4Р-130 "Андижон халқа йўли" автомобиль йўлидаги қурилиш ишлари Андижон автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги Андижон йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси томонидан олиб борилмоқда.

Айни кунларда объектда йўл қурилиш ва таъмирлаш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Иш самарадорлигини ошириш мақсадида махсус техника воситалари ёрдамида битум сепиш ҳамда асфальт ётқизиш ишлари кенг кўламда сифатли бажарилмоқда.

Автомобиль йўллари кўмитаси

Ахборот хизмати